

<https://conferencea.org>

FARM ACTIVITIES-A PLEDGE OF THE FUTURE

Mamajonov Sanjarbek Khamrojonovich

Associate professor of the department "theory of civil society" of Andijan State University, candidate of historical sciences

ANNOTATION

The experience of agrarian reforms carried out in our country confirms both these aspects. The reorganization of agricultural enterprises on the basis of property ownership is not something of some abstract theory. In this form of ownership, the integrity of the agricultural irrigation-reclamation networks is preserved. The existing land and water resource potential of the farms is rationally used.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2000 йилларда ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарориди «Ўзбекистонда ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш учун 16 млрд. сўм капитал маблағларни ажратиш назарда тутилди». Бундан ташқари, «икки йил давомида ҳар ҳил экинларни томчилатиб ва ёмғир усулида суғориш технологияларини тажриба синовидан ўтказиш топширилди [1].

Умумий суғорма ерлардан шахсий мулк сифатида фойдаланишни жорий этиш, хўжаликлараро ягона ирригация тизимида бир қатор зиддиятларни юзага келтирди. Шунинг учун қадимда ҳам ҳосилдор ерлар ва суғориш тармоқлари тўла равишда мулк қилиб бериб қўйилмаган. Бу одат бўйича ерларга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи маълум шартлар билан чегаралаб қўйилган, ҳамда ерга ишлов бериш ва ирригация тармоқларини яхши ҳолатда сақлаш мажбурий бўлган.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш бош қарувининг бозор муносабатларига мос келадиган ташкилий тузилмасини тадбиқ этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаш мақсадида: 2003 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди[2]. 2003 йил 27 октябрда эса «2004-2006 йилларда фермер хўжалигини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»[3] ушбу фармонида қишлоққа эътиборни кўпроқ қаратиш, давр талаби эканлиги, қолаверса бу янгиланиш бугунги куннинг энг долзарб, ҳал қилиниши лозим бўлган ҳосиласидир.

Республикамизда ерларни мелиорациялаш, тупроқ унумдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш борасида ўтказилаётган ишлар, агро-мелиоратив ва агротехник тадбирларга қарамасдан, кейинги йилларда тупроқда иккиламчи шўрланиш жараёнларининг жадаллашиши, мелиоратив ва экологик ҳолатларнинг ёмонлашиши оқибатида суғорма ерлар маҳсулдорлигининг кескин пасайиши ҳолати кузатилмоқда. Бу ҳолатни тугатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ва Республика ҳукуматининг «Ўзбекистон Республикасида мелиоратив ва экологик вазиятларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «1993-1994 йилларда янги ерларни ўзлаштириш ва эскидан суғорма ерларни таъмирлашга доир шошилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги кенг қамровли қарорлари ва дастурлари қабул қилинди.

2001 йил 16 февралда Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, ҳамда 2001 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари»га бағишланган йиғилишида, қишлоқ хўжалигида содир бўлаётган кескин пасайиш, салбий жараёнлар тўғрисида алоҳида тўхталиб, ҳозирда Республикада шўрланган ерлар майдони 2 млн. гектардан (60% фоизга яқин) ортиб кетганлиги, шу боис суғорма ерларнинг деярли – 50% фоизини зудлик билан мелиоратив ҳолатини яхшилаш тўғрисидаги кўрсатмалари бўйича «2001-2005 йилларга ва 2010 йилларгача бўлган», истиқболга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилганлигини, - кўрсатиб ўтиш мумкин. Чунки қишлоқ хўжалигининг тақдири, энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқ

<https://confrencea.org>November 15th 2022

2019 йилнинг 29 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

2019 йилнинг 6 сентябрида Президентимиз ҳузурида ўтказилган йиғилишда “Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган “стратегияси” муҳокама қилинди”. Унда қишлоқ хўжалиги, ерлардан фойдаланишни такомиллатириш йўллари кўрсатиб ўтилди. Бу эса иқтисодиётимиз “дрейвери” халқимиз турмуш фаровонлигини таъминловчи янги босқичдир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда фермер хўжалиги фаолиятида қатор ўзгаришлар амалга оширилди, соҳада модернизация жараёнлари яққол сезилди. У қишлоқ хўжалигида ҳақиқий маънодаги тараққиёт омилига айланиб бормоқда.

Адабиётлар:

1. Комилов С. Қишлоқ хўжалиги одимлари // Халқ сўзи, 1999 йил, 20 май.
2. Абдуллаев У. Фермер хўжалиги модернизацияси // Халқ сўзи, 2003 йил, 25 март.
3. Ишонч, 2003 йил 28 октябрь.
4. Abdumanapovna S. A. The contemporary language studies with corpus linguistics // Proceedings of the 2nd International Conference on Digital Technology in Education. – 2018. – С. 82-85.
5. Abdumanapovna S. A. The Use of Technology in Corpus Linguistics // 2019 International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT). – IEEE, 2019. – С. 1-4.
6. Abdumanapovna S. A. The Applicability of Corpus Linguistics in the Field of Linguistics // 2019 International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT). – IEEE, 2019. – С. 1-3.
7. Abdumanapovna S. A. The Contemporary Language Studies with Corpus and Computer Linguistics // 2021 International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT). – IEEE, 2021. – С. 1-4.
8. Abdumanapovna S. A. Using Corpus-Based Data To Linguistically Investigate Absolute And Loose Synonyms // Int. J. of Aquatic Science. – 2021. – Т. 12. – №. 3. – С. 2886-2899.
9. Sharipova A. A. The Role of Stylistic Synonyms in Language and Culture // Academy Journal. – 2018. – №. 8. – С. 10-15.
10. Sharipova A. A. Transformation as a basic concept in translation (analytical aspects) // European Journal of Humanities and Social Sciences. – 2017. – №. 2. – С. 39-42.
11. Zoirov T. E. et al. The influence of hypertension on the Pro-oxidant capacity and lipid peroxidation in oral fluid // Central Asian journal of medical and natural sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 46-52.
12. Fakhriddinovna A. N. et al. Platelet condition in children with congenital cleft palate in chronic foci of infection // Достижения науки и образования. – 2019. – №. 12 (53). – С. 113-115